

Куч-адолатда

Ал ила олам юзин обод қил

2020 йил
19 июнь,
жума
№ 19 (792)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда давлат органларининг аҳоли билан мулоқотини такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳада илохотларнинг хозирги босқичи давлат органларида низоларни судга кўриб чиқишнинг ягона тизимини яратиш, медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитражларни фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган низоларни ҳал этувчи самарали муқобил институтларга айлантириш лозимлигини таъкидлаш эҳтимоли.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, низоларни ҳал қилишнинг муқобил имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, судларда иш ҳажмини маълумлаштиришда медиация институти, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ролини тубдан ошириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодексида мувофиқ ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида судья тарафлардан келишув битимини тузиш эҳтимолини ёки низоли ҳал қилишнинг муқобил усуллари эҳтимолни аниқлайди ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради;

ҳуқуқий жамиятда низоли ҳал этишнинг муқобил механизмлари яратилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга эришишнинг самарали воситаси сифатида баҳоланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг **2020 йил 1 августдан** бошлаб **эксперимент тартибидеда:**

Давлат боғхона кўмитаси, Ер ре-

сурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағғармаси ҳамда Наманган, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳузурида **Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судга ҳал қилиш бўйича апелляция кенгаши**ларини (кейинги ўринларда — **Апелляция кенгаши**) ташкил этиш тўғрисида;

жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) ёхуд ҳаракатсизлиги натижасида ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилганлиги ҳақидаги мурожаатлари Апелляция кенгаши томонидан кўриб чиқилиши тартибини ўрнатиб тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, мазкур тартиб жисмоний ва юридик шахсларнинг бундай ишлар юзасидан тўғридан-тўғри бошқа ваколатли давлат органлари мурожаат қилиш ҳуқуқини истисно этмайди.

3. Куйидагилар Апелляция кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органи ўртасида юзга келадиган низоларни судга кўриб чиқиш ва ҳулоса қабул қилиш орқали уларни ҳал этиш чораларини кўриш;

мурожаатни кўриб чиқишда қонун ҳужжатида турлича талкин этилиши мумкин бўлган нормалар аниқланган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда, уларни белгиланган тартибда расмий шарҳларни ташкиллаштириш бўйича чораларни кўриш;

мурожаатни кўриб чиқишда аниқланган қонун ҳужжатларидаги бўйлиқларни бартафоз этиш бўйича таклифлар киритиш.

4. Белгилансинки: Апелляция кенгашининг таркиби тегишли давлат органи раҳбарининг қарори билан икки ярим йил муддатга тасдиқланади;

Апелляция кенгаши 7 нафардан 11 нафаргача аъзолардан иборат таркибда тузилиши мумкин; Апелляция кенгаши аъзолигига амалий тажрибага ва обрў-эътиборга эга давлат органининг марказий аппарати таркибий бўлиналари раҳбарлари ва ходимлари, шунингдек, соҳада катта амалий тажриба ёки илмий салоҳиятга эга бўлган обрўли фуқаролар қабул қилинади. Бунда, давлат органининг марказий аппарати таркибий бўлиналари раҳбарлари ёки ходимлари ҳисобланмаган Апелляция кенгаши аъзолари жами Кенгаш аъзоларининг бешдан бир қисмидан ошиб кетмаслиги лозим;

Апелляция кенгаши унда кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан тавсиявий тусга эга бўлган ҳулоса қабул қилади. Апелляция кенгаши томонидан қабул қилинган ҳулоса уч кун муддатда давлат органи раҳбарига кўриб чиқиш учун, бошқа манфаатдор тарафларга маълумот учун юборилади;

Апелляция кенгашининг ҳулосасини қабул қилиб олган давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари уни инобатга олиши ёки ёзма асослан-тирилган тарзда рад этиши мумкин. Бунда, давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари қабул қилинган қарор тўғрисида уч кун муддатда Апелляция кенгаши ва тарафларни ёзма ёки электрон тарзда хабардор қилади.

5. **Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судга ҳал қилиш бўйича апелляция кенгаши тўғрисидаги низо** иловага мувофиқ тасдиқланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р.Давлетов, М.Икрамов): Апелляция кенгаши ташкил этилаётган давлат органларининг бу бора-

даги фаолиятини доимий равишда мониторинг қилиб борсин ҳамда тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида уларга амалий ва услубий жиҳатдан кўмаклашин;

2021 йил 1 июлга қадар мазкур қарорнинг 2-бандига асосан жорий этилаётган эксперимент натижаларини кенг қамровли таҳлил қилган ҳолда, **уни кейинчалик бошқа давлат органларида ҳам жорий этишнинг мақсадида мувофиқлиги юзасидан** Вазирлар Маҳкамасига асосланган қарорлар киритсин.

7. Белгилансинки, куйидагилар: низоларни муқобил усулда ҳал этиш билан шугullanuvчи профессионал медиаторларнинг ўзаро бирлашувига асосланган **Медиация маркази**;

профессионал медиаторлар, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ўзаро бирлашувига асосланган **Низоларни муқобил усулда ҳал этиш маркази** нодавлат нотижор ташкилоти сифатида ташкил этилиши ва фаолият юритиши мумкин.

8. **Медиация маркази ва Низоларни муқобил усулда ҳал этиш марказининг** (кейинги ўринларда — **Марказлар**) асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилансин:

медиация, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитраж фаолиятига низоларни муқобил усулда ҳал этиш тартиб-таомилни амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш;

медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж ишларини кўриш билан боғлиқ фаолиятга аралашмаслиқ принципи асосида иш юритиш; медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитраж соҳаларида му- тахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этиш. Бунда, медиаторларни тайёрлаш 72 соатдан кўп бўлмаган ўқув курслари бўйича амалга оширилади ва уларни муваффақиятли якунлаган тингловчиларга **сертификат берилади;**

(Давоми 2-бетда) ▶

Танзила Норбоева:

«Ҳақиқатнинг кўзига тик қарай бошлаганимиз қаҳқий вазиятни яхшилашга замин яратмоқда»

Узоқ йиллар **"бизга ҳаммаси яхши, муаммо йўқ", дейилгани билан айрим муаммолар газак олиб кетгани сир эмас...**



Кўни кеча Тошкентда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Олий Мажлис Сенати раиси, мазкур миллий комиссия раиси Танзила Норбоева одам савдоси ва мажбурий меҳнатга чек қўйиш бўйича қилинаётган ишлар бўйича маъруза қилди.

Миллий маърузачи таъкидлаганидек, инсонни таҳқирлашнинг икки усули — одам савдоси ва мажбурий меҳнат дунё миқёсида авж олгани сир эмас.

(Давоми 3-бетда) ▶

Маълумки, "Кувасойцемент" акциядорлик жамияти мамлакатимиздаги кўзга кўринган саноат корхоналаридан бири саналади. Кейинги йилларда юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани акциядорлик жамияти фаолиятида ҳам ижобий кўрсаткичларга сабаб бўлмоқда. Аммо...

Қонун кўмаги

Ноқонуний қарор

суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилди

Аммо ўтган 2019 йилнинг 26 августда Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан қабул қилинган 01-05/17-сонли қарор натижасида жамиятдан 164.409.000 сўм маблағ оқонуний равишда ундириб олинди.



Аниқланишича, 2018 йил январь ойининг бошида "Кувасойцемент" акциядорлик жамияти томонидан январь-март ойларида биржа савдоси орқали сотиладиган маҳсулот ҳажми акс этирилган ҳисобот Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим қилинган. Шунга кўра, жамият 2018 йил 6 январь кўни биржа орқали 2730 тонна, 8 январь кўни ҳам худди шунча

миқдорда маҳсулот сотган. Бироқ 2018 йил 6 январдаги савдода цемент нархи 555,7 сўмни ташкил қилган бўлса, икки кундан кейин эса, биржа нархи 578 сўм баҳоланган — 22,3 сўмга кўтарилган. Бундан ташқари 2018 йил 9 январда ҳам 2730 тонна маҳсулот биржага кўйилган бўлса-да, савдо-ларда цемент 598,6 сўмдан сотилган. Яъни нарх-наво бир кун олдингига қараганда 20 сўмга ошган.

(Давоми 3-бетда) ▶

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳа вакилларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, улар эркин фаолият юритиши учун барча шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сабоқ

Кредит — ҳадея эмас, балки имкониятдир



Натижада тадбиркорлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Улар ишлаб чиқар-ётган рақобатбардош маҳсулотлар миллий иқтисодиёт ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Ўрин тутади. Чунки кредит маблағлари тадбиркорларга ўз фаолиятини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Кредит маблағларидан самарали фойдаланиш ҳақида гап борганда, бу маблағ тадбиркорлар учун яратилган қулай имконият эканини алоҳида қайд этиш лозим.

(Давоми 2-бетда) ▶

Хабар

Сенатда ов қилиш ҳамда геодезия ва картография соҳаларига оид қонунлар маъқулланиши кутилмоқда

Олий Мажлис Сенати япни мажлиси олдидан бугун қўмиталар мажлислари бўлиб ўтди.

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлисида кўмита аъзолари томонидан юборилган сенатор сўровлари ва уларнинг натижалари бўйича ҳисобот эшитилди.

Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларининг таъминланиши ва улар орасида тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида амалга оширилган ишлар ҳолати юзасидан парламент сўровини шакллантириш масаласи муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, аёлларнинг тенглик асосида бандлигини таъминлаш, уларнинг

меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга.

Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида "Ов қилиш ва овчилик ҳўжалиги тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Сўзга чиққанлар овчиликка доир муносабатлар ўндан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинишини, бироқ бу тарқоқлик ноқулайлик туғдиришига эътибор қаратди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Бировга қарз берish орқали муҳтож кишининг овирини енгл қилиш яхши, албатта. Бирок қарз олувчининг муаммоси ҳал бўлиши асосида қарз берувчида пайдо бўладиган муаммо ва кейинчалик икки ўртада келиб чиқадиган низо бундай яхшиликнинг савобини йўққа чиқариши ҳам — бор гап.

Афсуски, бугунги кунда қарз масаласи билан боғлиқ низола оғз эмас. Фуқаролик судларида қўрилаётган низоларнинг салмоқли қисmini ҳам қарз олди-бердисига тааллуқли ишлар ташкил этади. Шунинг ўзидек бугунги кунда одамлар ўртасидаги қарз муносабатлари нечоғли огрикли тус олиб

Бу ҳаётда ҳамма тинч-хотиржам яшашни истаиди. Бирок ҳаёт шунчалик мураккабки, баъзан киши айбсиз айбдор бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Бунинг оқибатида эса, ҳар қандай одам кўп савдоларни бошидан кечиришга мажбур бўлади.

Оқлов

Адолат қарор топди

ёки уч йиллик изтироб ниҳояси хайрли тугагани хусусида

Расул Аброров ҳам "Оқол-тиндонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти билан шартнома асосида ишлаб, бошига бу ташвишлар тушишини аввалроқ билганда эди, корхона остонасига ҳам яқин келмасди.

Гап шундаки, у "ТО-30" русумли юклагич мосламали трактор сотиб олгач, "Abgogov P.A." якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтади. "Оқолтиндонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти билан тузилган шартнома асосида "Шурхат" дон қабул қилиш шохобчасида 2012-2013 йилларда ўзи-

нинг техникаси билан хизмат кўрсатади.

Фалла ўрим-йўғим мавсумида иш бошдан ошиб ётиши ҳеч кимга сир эмас. Расулнинг тракторини икки ҳайдовчи — А.Номуратов билан М.Сатторовлар, баъзида ўзи бошқариб, кеча-кундуз тиним билмай ишлашади. Донни шамоллатиш, бир ерга тўплаш, вагонларга етказиб берадиган эскалаторларга юклаш, шохобча ombорларига жойлаштириш — барча ишлар уларнинг зиммасига юклатилганди.

Тракторга бир иш кунда 60-70 литр, баъзида ундан ҳам кўпроқ ёқилгиси сарфланади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Фуқаролик қонунчилиги

Қарз арзга айланмасин

бунинг учун унинг ҳуқуқий оқибатини олдиндан ййлаш лозим

бораётганини кўрсатади. Рақамларга мурожаат қилсак, 2020 йилнинг биринчи чорагида фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят судларида қарзни ундиришга оид 105 та даъво аризаси кўрилган.

Шундан 92 та ариза қаноатлантирилган. Бунинг натижасида жавобгарлардан, яъни қарздорлардан жами 1 миллиард 182 миллиондан зиёд қарз суммасини даъвогарлар, демакки, ҳақдорлар фойдасига ундириш ҳақида ҳал қилув қарорлари чиқарилган.

Шу билан бирга, ноҳақ тарафдан

давлат фойдасига 86 миллиондан зиёд давлат божи ундирилган. Шунингдек, 6 та даъво талаби асоссизлиги сабабли рад қилинган бўлса, 7 та ҳолатда жавобгар тараф даъвои тан олиб, қарзини қайтаргани ёки тарафлар келишгани сабабли, фуқаролик иши туғатилган ва кўрмасдан қолдирилган. Бу ишларнинг 23 таси сайёр суд мажлисларида кўрилган.

Суд амалиёти таҳлилиндан келиб чиқиб, қарз берувчиларни шартли равишда икки тоифага ажратиш мумкин. Биринчи ва кўпчиликни ташкил

этувчи тоифа бу — ҳақиқатан ҳам, ҳеч қандай манфаатсиз, одамгарчилик нуқтани назаридан ёрдам қўлини чўзган инсонлар. Бу тоифага мансуб кишилар ишонч ва истиҳола сабаб қарз муносабатини қонуний расмийлаштирмайдилар.

Аммо вақти келиб, қарздорнинг ноинсофлиги ёки тўлов имконияти бўлмагани боис, ўртада низо пайдо бўлади. Қонун эса, жайдади тилда айтсак, қуруқ гапни кўтармайдди.

(Давоми 4-бетда) ▶

Сабоқ

Кредит — ҳадя эмас,
балки имкониятдир

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу маънода ҳар бир тадбиркор кредит шартномаси орқали зиммасига юклатилган бурч ва мажбуриятларни ўз вақтида тўлиқ адо этиши шарт.

Афсуски, баъзан ҳаёда банкдан олинган кредитдан фойдаланишда масъулиятни унутиб қўядиган кишилар ҳам учраб туради. Яқинда ана шундай қарздорлик билан боғлиқ даъво аризаси судда кўриб чиқилди.

Шаҳрисабз туманида яшовчи Гулбаҳор Хошимовага (исм-шарифлар ўзгартирилган) қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариши учун "Ипак йўли" АИТ банкининг Шаҳрисабз туман филиали томонидан 2018 йил 20 августдаги кредит шартномасига асосан, 2 йил муддатга 32 фоиз миқдорда устама тўлаш шarti билан 10 миллион сўм кредит маблағи ажратилган.

Шунинг баробарида, кредитни қайтариш кафолатини олувчи, яъни Г.Хошимованинг яқин қариндоши, қўшимча жавобгар Моҳира Шокирова билан кафилик шартномаси тузилган.

Бошқача айтганда, кредит маблағи банк томонидан тадбиркорга қонуний тартибда ажратилган. Энди ҳамма гап тадбиркорнинг ушбу маблағдан оқилона фойдаланиши, зиммасидаги мажбуриятни ўз вақтида бажаришида қолганди.

Бу борада, афсуски, Г.Хошимова масъулиятни унутиб қўяди. Ўз наватига, банк раҳбарияти кредит маблағи ҳисобидида асосий қарз ҳамда унинг фоизларини тўлашни талаб қилиб, бир неча марта оғзаки ва ёзма равишда уни оғоҳлантган.

Аммо Г.Хошимова ва қўшимча жавобгар М.Шокирова турли баҳоналарни рўқча қилиб, қарзни тўлашни узоқ вақт пайсалга солиб келган.

Шундан сўнг "Ипак йўли" банкининг Шаҳрисабз туман филиали мутасаддилари судга муржаат қилиб, жавобгарлардан 6 миллион 40 минг 802 сўм

Жиноят ишлари бўйича Кармана туман судининг судьяси А.Сайдуллаев бошчилигида Кармана туманида 7 нафар маҳкумга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан бўлган ишлар очик суд мажлисида кўриб чиқилди.

Маҳкумлар мuddатидан
илгари озод қилинди

Суд томонидан 7 нафар маҳкум муқаддам жиноят содир этиб, жазони ўташ мубайнида судир этган жиноятларнинг моҳиятини тушуниб етганлиги, тузалиш йўлига кириб, ижтимоий меҳнатга нисбатан бўлган муносабати ижобий томонга ўзгарганлиги, ўрнатилган тартиб-қоида, талабларни бажариб, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги инобатга олиниб, умуминсоний принципларга асосланган жазони ўташдан мuddатидан илгари шартли равишда озод қилинди.

миқдордаги кредит суммасини мuddатидан олдин ундириб беришни сўрашди.

Биобарин, амалдаги Фуқаролик кодексининг 744-моддаси биринчи банди талабига кўра, кредит шартномаси бўйича бир тараф банк ёки бошқа кредит ташкилоти, яъни кредитор иккинчи тарафга, демакки, қарз олувчига шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари бериш, қарз олувчи эса, олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Томонлар ўртасида тузилган кредит шартномасига асосан, жавобгар томонидан мажбуриятлар бажарилмаса ёки лозим даражада бажарилмаса, банк белгиланган кредитни мuddатидан олдин талаб қилиши мумкин.

Суд қонун талабларидан келиб чиқиб, даъвогар "Ипак йўли" банкининг Шаҳрисабз тумани филиали даъво аризасини қаноатлангирган ҳолда, кредит шартномасини мuddатидан олдин бекор қилди.

Шу билан бирга, жавобгарлар Гулбаҳор Хошимова ҳамда Моҳира Шокировадан 6 миллион 40 минг 802 сўм миқдордаги кредит қарздорликни солидар тартибда ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорини қабул қилди.

Хулоса шуки, банк муассасасидан бериладиган кредит маблағи асло ҳадя эмас. У қарз олувчининг иқтисодий аҳолини яхшилашга, янги иш ўринлари очиб, тадбиркорлик субъекти фаолиятини ривожлантиришга ёрдам берадиган моддий кўмак эканлигини унутмаслик зарур. Масаланинг яна бир энг муҳим жиҳати, кредит маблағидан оқилона ҳамда мақсадли фойдаланилса, шартнома мажбурияти вақтида адо этилса, ҳеч бир муаммога ўрин қолмайди.

Баҳодир ЭРГАШЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Шаҳрисабз туманлараро
судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

медиацаия ва низоларни муқобил ҳал этишнинг бошқа усуллари ривожланиши ва кенг оммалашувиға кўмаклашиш, бу соҳада семинарлар, тренинглр ва конференциялар ташкил этиш.

9. Белгилансинки, Марказлар:

а) тингловчиларга таълим беришни ташкиллаштириш учун:

шартнома асосида олий таълим муассасаларининг малакали педагогларини, шунингдек, миллий ва хорижий медиатор, ҳақамлик судьялари ва арбитрларни ҳамда вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларини жалб этиши мумкин;

б) медиация, ҳақамлик суди ва халқаро арбитраж фаолияти юзасидан адлия органларига ҳисоботлар топширишдан овоз этилади;

в) олий маълумотга эга раҳбарни қўшиб ҳисоблаганда камиди беш нафар ходимга эга бўлишлари керак.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р.Давлетов, М.Икрамов):

а) профессионал медиаторлар, ҳақамлик судлари ва халқаро арбитраж ўрта-

сида доимий равишда Марказлар ташкил этилишининг ижобий тарафлари ҳақидаги тарғибот ишларини ва бу борадаги фаолиятни мониторинг қилиб борсин ҳамда ҳар чоракда амалга ошириладётган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ахборот киритиб борсин;

б) икки ой мuddатда илгор хорижий тажибадан келиб чиқиб:

медиаторларни тайёрлаш бўйича ўқув курсларининг намунавий дастурини ишлаб чиқсин;

Бош прокуратура билан биргаликда медиацаия институтининг жиноят процессига тартибқ этилиши мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси киритсин.

11. Тошкент давлат юридик университети ва Юристар малакасини ошириш марказининг улар муассислигида **Тошкент медиацаия марказини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р.Давлетов, М.Икрамов) Тошкент давлат юридик университети ва Юристар малакасини ошириш маркази билан биргаликда **Тошкент медиацаия маркази** фаолиятини ташкиллаштириш ҳамда 2021 йил 1 январга қадар **Тошкент медиацаия марказини** жаҳоннинг медиацаия институтини ривожланган мам-

лакатлар тажибасидан келиб чиқиб, тайёрланган бино ва жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Тошкент шаҳрида:

2020 йил 1 июдан бошлаб, **эксперимент тарикасида**, давлат хизматлари марказлари биноларида низолашувчи фуқароларга медиатор хизматидан фойдаланиш учун алоҳида хоналар ажратсин;

экспериментнинг ижобий натижалари асосида 2021 йил 1 апрелга қадар ушбу амалиётни барча давлат хизматлари марказлари биноларида тартибқ этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантйрилган таклифлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ой мuddатда белгиланган тартибда профессионал медиаторликни касб сифатида Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Олий суди Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда профессионал медиаторлар ва ҳақамлик судлари реестрларига киритилган профессионал медиаторлар ҳамда ҳақамлик суди судьялари тўғрисидаги маъ-

билан бирга, соҳага доир давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қонун ҳужжатларида аниқ кайд этилмаганлиги овланадиган ҳайвонот олами ресурсларининг ҳолатини аниқлашга, улар популяциясининг давлат мониторинг тизимининг ривожланишига,

овланадиган ҳайвон турларининг сони ва овлиши ҳажмлари, уларнинг репродуктив ҳолатини ўрганишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу жиҳатдан, қонун соҳага оид муносабатлар тартибга солинишини, жумладан юқоридаги каби муаммо-

лар, кўрсатув ва эшиттиришларни эфирга узатиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари эътиборига етказиш чораларини кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р.Давлетов, М.Икрамов) доимий равишда:

Олий суд, Ташки ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Президентининг ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ушбу мuddатда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, тегишли олий таълим муассасаларида илгор хорижий тажибалар асосида медиацаия, ҳақамлик суди ва халқаро арбитраж соҳалари учун низоларни ҳал этишнинг муқобил йўналишлариға оид бўлган магистратура мутахассисликларини ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантйрилган таклифлар киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой мuddатда қонун ҳужжатлариға ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой мuddатда қонун ҳужжатлариға ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчисининг ўринбосари У.Ш.Ташходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 17 июнь

Хабар

Сенатда ов қилиш ҳамда геодезия ва картография соҳаларига оид қонунлар маъқулланиши кутилмоқда

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Давлат органлари, овчилар ва ов хўжаликлрининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун даражасида белгиланмаганлиги ов қилиш ва балик овлаш соҳасида қўллаб ҳуқуқбузарликлар содир этилишиға олиб келмоқда. Шу

билан бирга, соҳага доир давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қонун ҳужжатларида аниқ кайд этилмаганлиги овланадиган ҳайвонот олами ресурсларининг ҳолатини аниқлашга, улар популяциясининг давлат мониторинг тизимининг ривожланишига,

овланадиган ҳайвон турларининг сони ва овлиши ҳажмлари, уларнинг репродуктив ҳолатини ўрганишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу жиҳатдан, қонун соҳага оид муносабатлар тартибга солинишини, жумладан юқоридаги каби муаммо-

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармасининг 2014 йил 24 январдаги "Оқолтндонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти фаолиятини комплекс ўтказиш ҳақидаги қарорига асосан, корхонада текшириш ўтказилади.

Ушбу текшириш якунлари бўйича акциядорлик жамияти раиси И.Холмуродов (исм-шарифлар ўзгартирилди) ва бошқа мансабдор ва моддий жавобгар шахслари 2011—2013 йиллардаги фаолиятида йўл қўйган ўзлаштириш, талон-торожлик, растарата ва бошқа қилмышларини учун суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилади.

Р.Аброворнинг иши ушбу жиноят ишидан алоҳида ажратилганди. Акциядорлик жамияти раҳбари ва бошқа моддий жавобгар шахслар жазога тортилган, орандан кўп ўтмай Т.Маҳмонов деган терговчи Р.Аброворни ўзининг хизмат хонасига чақиради ва "тергов ҳаракатлари туғатилди, жиноят ишида айбонсиз экансиз" деб унга жавоб бериб юборади.

Аммо 2017 йилнинг 3 июни Р.Аброворини бошқа бир терговчи — Ж.Хушназаров чақириб, ўзини таништиради. Сўнгга жиноят иши терговчи қайта тиклангани ва иш ўзининг юритувиға олинганини маълум қилади.

Тергов бошланади, тафтишчи М.Бердиқулов аввал тафтиш ўтказиш, хулоса берганди. Аммо Р.Аброворнинг бу хулосанинг тўғри эмаслиги ҳақида эътирозини эшитган Ж.Хушназаров

М.Бердиқуловга яна қўшимча тафтиш ўтказиш тўғрисида топшириқ беради. Шу тариқа якка тартибдаги тадбиркорнинг "Шухрат" дон қабул қилиш қорхонасидаги ишни элақдан ўтказилади ва охири-охири унга нисбатан бир қатор айбловлар қўйилади.

Шу ўринда бу ҳақида тўхталадиган бўлсак, Р.Абровор жиноий гуруҳ раҳбари ва ташкилотчиси, "Оқолтндонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти раиси И.Холмуродов билан акциядорлик жамиятига транспорт хизмати кўрсатиш учун шартнома тузиш орқали уюшган гуруҳ аъзоси бўлган, гуруҳ раҳбари ва аъзолари билан ўзганинг мулкани ўзлаштириш ҳамда талон-торож қилиш жиноятини содир этишни режалаштирган.

Жиноий режага кўра, Р.Абровор ҳайдовчилар номига расмийлаштирилган иш табеллариға ҳақиқатда бажарилмаган иш соатлари ҳамда ёқилги-мойлаш маҳсулотларини қўшиб ёзган. Расмий ҳужжатларни қалбақлаштириб, акциядорлик жамияти мансабдор шахсларига тақдим қилиш орқали тўловға қаратган ва давлат маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож этган.

Тадбиркор томонидан ийртма талонлар ҳисоб-китоби олиб борилмаган, "4-п-сон" шаклидаги йўл варақчалари тўлдирилмаган, иш бажараётган транспорт воитасиси қаерда ва кимнинг иштиёрида бўлгани, неча соат қанча ҳажмда иш бажарганлиги кўрсатилмасдан, ҳайдовчиларға иш ҳақи ёзилган.

Ҳайдовчи А.Номуратовга 2012 йилнинг июль, август ва сентябрь ойларида жами 624 соат ишлагани учун 32 миллион 947 минг 200 сўм, М.Сатторовга эса, худди шу мuddатда 512 соат ишлагани учун 26 миллион 736 минг сўм иш ҳақи ёзилган. Умумий ҳисобда 1 минг 136 соатлик иш учун 59 миллион 683 минг 800 сўмлик транспорт хизмати кўрсатганлиги тўғрисида сохта ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Булардан ташқари Р.Абровор томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги "Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони 4-банди талаблари ҳам қўпол тарзда бузилган. Кўрсатилган транспорт хизматлари учун 68 миллион 106 минг 600 сўмлик омихта ем маҳсулотлари ноқонуний равишда бартер операцияларини амалга ошириш йўли билан олиниб, номазьум шахсларға нақд пулга сотиб юборилган. Бу билан Р.Абровор ўзи ва жиноий шерикларининг иштиёрида бўлган жами 59 миллион 683 минг 800 сўмлик — кўп миқдордаги давлат маблағини уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, мансаб сохтакорлиги йўли билан ўзлаштириш ва талон-торож қилиш жиноятларини содир этган.

Қисқаси, ўшанда Р.Аброворга нисбатан юритилган жиноят иши судға ўтказилади. Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2017 йил 2 октябрдаги ҳукми билан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "в" банди, 209-моддаси 2-қисми

ларнинг самарали ҳал этилишини таъминлаши кутилмоқда.

"Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида"ги қонун ҳам кўриб чиқилди. Янги қонун соҳанинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланишиға ва унинг ривожига тўқсунлик қилаётган муаммоларнинг ҳал этилишиға хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Мажлисларда кўриб чиқилган масалалар юзасидан қўмиталар ва комиссиянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

М. РҮЗИБОЕВА,
ЎЗА

Оқлов

Адолат

"Б" банди билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибига Р.Аброворға олти йил мuddатга озодликдан маҳрум қилишға ҳукм чиқарилади ва у суд залидан қамоққа олинади.

Маълумки, етказилган зарар судланувчи ёки унинг қариндошлари томонидан қопланган тақдирда, судланувчиға нисбатан жазо тури ўзгартирилиб, қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланади. Р.Абровор 59 миллион 683 минг 800 сўмнинг 28 миллион 175 минг 480 сўмини дастлабки тергов даврида қоплайди. Қолган 31 миллион 508 минг 320 сўмини нақд пул шаклида 2017 йилнинг 30 сентябрида акциядорлик жамиятининг газнасига тўлайди.

Шундан сўнг фуқаровий даъвогар вакили судға зарар қопланганини маълум қилади. Р.Абровор эса, ушбу хатни илова қилган ҳолда дарҳол қамоқдан озод этишни сўраб, апелляция шикоятини беради.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 7 ноябрдаги ажримини билан биринчи босқич судининг ҳукми ўзгартирилади. Р.Аброворға ҳар ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизини давлат ҳисобига ундирган ҳолда уч йил алоҳқ тузатиш ишлари ва 21 миллион 706 минг 500 сўм жарима жазосини тайинланади.

Қисқаси, орандан бир неча йил ўтгач, Р.Абровор ва унинг ҳимоячиси Ўзбекистон Республикаси Олий судига

назорат тартибига шикоят беради. Шикоятда Р.Аброворнинг айбонсиз экани кайд этилиб, оқлов ҳукми чиқариш сўралади.

Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 6 декабрдаги ажрими билан вилоят суди апелляция инстанцияси ажрими бекор қилинди ва жиноят иши янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилди.

Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ажримда ушбу жиноят ишини апелляция инстанциясида янгидан кўришда иш бўйича исботланиш лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириб чиқилиши, мавjud кимчилик ва ноаниқлар қўшимча процессуал ҳаракатларни бажарган ҳолда бартафакт қилиниши, ишға алоқадор шахслар сўроқ қилиниб, кўрсатмалардаги тафовутлар муҳоқима қилиниши, ишда юзаға келган барча қарама-қаршилиқлар бартафакт этилган, иш бўйича қонуний тўхтамға келиш лозимлиги кўрсатилганди.

Апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ушбу ажримда кўрсатилган ҳолатлардан кўриб чиқиб, Жиноят процессуал кодексининг 495-моддаси талабларини бажариш мақсадида, тўлиқ суд терговини ўтказди. Судланган Р.Абровор жиноят ишидаги ҳолатлар бўйича батафсил сўроқ қилинди, унинг барча вазлари текширилди.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Афсуски, бундан Ўзбекистон ҳам холи эмас эди. Мурғак болларимизнинг нозик елкасидаги пахта юкиннинг ўзи шармандали ҳолат бўлган. Буларга барҳам беришга қаратилган курашлар осон кечмади. Аммо мажбурий меҳнатнинг айнан шу тури — болалар меҳнатига барҳам берилгани энг катта ютуқларимиздан бири бўлди. Турли касб эгаларининг бошқа ишларга, хусусан, дала ишлари, тозалаш ишларига жалб этилишига ҳам бугун кескин муносабат билдирмоқдамиз.

Умид билан хорижий давлатларга ишга бориб, кулликка маҳкум бўлиб қолаётган, яъни одам савдоси жинояти қурбонига айланган юртдошларимизни ҳимоялаш тизими йўқлиги қанча фуқароларимизни мушкул вазиятларга тушириб келган. Ҳозир айнан шу йўналишда ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Ўнда қилиб айтганда, муаммоларни ҳаспўшлал эмас, балки уларни ҳал қилиш йўлидан борилган, ҳақиқатнинг кўзига тик қарай бошлаганимиз ҳақиқий вазиятни яхшилашга замин яратди. Узоқ йиллар "бизда ҳаммаси яхши, муаммо йўқ", дейилгани билан айрим муаммолар газак олиб кетгани сир эмас.

Кейинги бир неча йилда эса, одам савдосининг олдини олиш ва мажбурий меҳнатга барҳам беришга қаратилган ишлар жадаллик билан олиб борилгани жамиятимиздаги очиқлик сийёсати натижаси, десак, хато бўлмайдими.

Танзила Норбоева:

«Ҳақиқатнинг кўзига тик қарай бошлаганимиз ҳақиқий вазиятни яхшилашга замин яратмоқда»

Мажлисда қайд этилганидек, 2019 йилнинг ўзига мазкур йўналишлардаги фаолиятни тартибга солиш мақсадида, 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Президентимизнинг 2019 йил 30 июлдаги "Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосан, Миллий маърузачи институти жорий этилди.

Ушбу йўналишда комиссия иш бошлагач, яъни 2019 йилда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар 22 фоиз-

га камайти. Содир этилган жиноятлар бўйича 137 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди.

Мажбурий меҳнатнинг олдини олиш мақсадида, 2 минг 779 корхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганилиб, мажбурий меҳнатга йўл

Уларнинг 113 нафари иш билан таъминланди. 3 минг 938 нафар фуқаро чет элда иш билан таъминланди, 235 минг 135 нафар фуқарога маслаҳат ва ҳуқуқий ёрдам берилди, иш ҳақини вақтида ололмаган меҳнат мигрантларининг 530 минг АҚШ

долларига яқин иш ҳақлари ундириб берилди. Одам савдоси ва мажбурий меҳнатнинг салбий омиллари тўғрисида аҳолининг хабардорлигини оширишга қаратилган тарғибот ишлари кучайтирилди. Аммо ушбу соҳада амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда ҳал этилиши лозим бўлган айрим муаммолар ҳам мавжуд.

Айрим маҳаллий ижро ҳокимликлари, вазирлик, идоралар ҳамда уларнинг куйи тузилмалари раҳбарлари томонидан ходимларни ўз функционал вазифаларига кирмайдиган меҳнат турларига мажбурий жалб

қилиш ҳолатлари учрамоқда. 2019 йилда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар 2018 йилга нисбатан камайган бўлса-да, бу йўналишда содир этилган умумий жиноятлар орасида қақалоқ савдоси билан боғлиқ жиноятлар юқорилигича қолмоқда.

Хусусан, 2019 йилда одам савдоси жинояти билан боғлиқ келиб тушган 710 та мурожаатдан бор-йўғи 94 таси (13 фоизи) бўйича жиноят иши очилиб, 137 нафар айбдорга нисбатан қонуний чоралар қўрилган. Одам савдоси билан шугулланган шахсларга нисбатан жиноят иши кўзғатиш ва уларни судга олиб боришда тегишли соҳа мутахассисларининг билими ҳамда тажрибаси етишмапти.

Миллий комиссия томонидан тегишли вазирлик ва идораларнинг тақлифлари асосида бу йўналишда қўйилган вазифаларни амалга оширишга таъкид этиш бўйича чора-тадбирлар режаси (Йўл харитаси) лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда комиссия ййғилишида тасдиқланди.

Йўл харитасида мавжуд муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ янги режалар назарда тутилган ва комиссия аъзолари уларни амалга оширишга киришди.

Норгул АБДУРАИМОВА

"Халқ банки"нинг Ёзёвон филиалидан 100 минг долларни қим ўтгарлаган эди?

Фаргона вилояти Ёзёвон туманидаги АТ "Халқ банки" филиалининг валюта сақлаш сейфидан 100 минг АҚШ долларини талон-торож қилган банк бошқарувчиси ва икки нафар ходимига суд ҳукми ўқилди.

Бу ҳақда ЎзА мухбирига жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман суди раиси Б. Ҳайдаров маълум қилди.

Бугун мамлакатимизнинг энг чека худудларида ҳам замонавий банк хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган. Мазкур соҳада фидоийлик, ҳалоллик билан меҳнат қилаётган ходимлар жуда кўп. Бироқ, гуруҳ курмасиз бўлмаганидек, соҳа ходим-

лари орасида нафс куйига тушиб, жиноят содир этганлар ҳам учраб турибди.

АТ "Халқ банки" филиалининг бошқарувчиси вази фасини бажарувчи Сарвар Турсунбаев, бош ҳисобчи Баҳром Тиллаев, касса мудири Гулнора Утановалар ўз касби-га хиёнат қилиб, бир қатор жиноятларни содир этди.

АТ "Халқ банки" Фаргона вилояти филиалининг 2018 йил 24 октябрдаги буйруғи билан АТ "Халқ банк" Ёзёвон филиали бошқарувчиси вази фасини бажарувчи

тайинланган С.Турсунбаев, бош ҳисобчи Б.Тиллаев ва касса мудири Г.Утановалар 2019 йил 25 январь кунини АТ "Халқ банк" Фаргона амалиёт бўлими томонидан АТ "Халқ банк" Ёзёвон филиалига келган 300 минг АҚШ долларини қабул қилиб олган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг қарори билан тасдиқланган "Тижорат банкларидан касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқнома"га амал қилинмасдан С.Турсун-

баев ва Б.Тиллаевлар ўзларига бириктирилган банкнинг нақд пул ва бошқа қимматликларни сақлаш омборига тегишли калит ва муҳрларини касса мудираси Г.Утановага топшириб қўйган.

Касса мудираси Г.Утанова банк бошқарувчиси вази фасини бажарувчи С.Турсунбаев, бош ҳисобчиси Б.Тиллаевларга бириктирилган калит ва лавозим муҳрлари билан омборхона эшигининг калит ва муҳрларини ўзида сақлаган.

(Давоми 4-бетда) ▶

қарор топди

ёки уч йиллик изтироб ниҳояси хайрли тугагани хусусида

Бундан ташқари тафтишчи, гувоҳлар, қўшимча гувоҳлар, судланувчининг ишончли вакили — "NE MATILLA AUDIT" хусусий корхонаси раҳбари Н.Айтқулов, вилоят молиявий назорат бошқармаси бошлиғи ўринбосари З.Зулфиқоровлар ишга мутахассис сифатида жалб қилинди. З.Зулфиқоров томонидан қайта тафтиш ўтказилди. Мазкур ишни судда қўриш жараёнида Р.Абборовнинг бўйича нисбатан чиқарилган суд ҳужжатлари нисбатан эътироз асосли эканлиги маълум бўлди. Айтиш кераки, илгари тафтишчи М.Бердиқулов тафтиш ўтказган, кейин яна у қўшимча тафтиш ўтказган. Энг қизиқ томони шундаки, хулосалар бир-бирига мос келмапти.

Жиноят ишида ҳайдовчилар А.Номуратов ва М.Сатторовларнинг кўрсатмалари Р.Абборовнинг айбини исботловчи далиллардан бири сифатида олинган. Аммо уларнинг айнан қайси кўрсатмасидаги ҳолатлар айблов учун асос бўлиши суд томонидан аниқлаштирилмаган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари муҳокамаси тўлиқ эмас, иш бир ёқлама олиб борилиб, судланувчининг қонун билан белги-ланган ҳуқуқлари чекланган. Хўш, тафтиш аяқларига бўйича 59 миллион 683 минг 800 сўмлик транспорт хизматига оид ҳужжатлар сохталаштирилгани ва жуда кўп миқ-

дордаги давлат маблағи ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилингани ҳақида тадбиркорга қўйилган айб ҳақиқатга мос келади? Тафтиш далолатномаси ва хулосаси қонуний тузилгани, улар бир-бир норматив ҳужжатларга асосланганими?

Суд муҳокамаси чоғида юқоридagi саволларга қонуний жавоб изланди. Ҳа пайтда "Шухрат" дон қабул қилиш шохобчасида ишлаган, шохобча технологи Ю.Бозоров, омбор мудири Н.Курбонов, ишчи Р.Аббуровнинг айбини исботловчи далил сифатида кўрсатилган. Бироқ Р.Аббуровнинг бу ҳақдаги важлари судда текширилмаган.

Шохобча технологи Ю.Бозоров А.Номуратов билан М.Сатторовларга раҳбарлик қилган, ишни қандай бажаришни кўрсатиб турган. Бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳужжатларга трактор ҳайдовчиларидан ташқари ом-

бор мудири ҳам имзо қўйган. Судда "ГАЗ - 53" русумли юк автомашинаси ҳайдовчиси Қ.Курбонов трактор ҳайдовчиларининг иш соати ва меҳнат ҳақи кўшиб ёзилмаганини қайд этди. Чунки улар ёнма-ён ишлаган, ҳатто иш тизимлиги боис А.Номуратов билан М.Сатторов тунда ҳам уйларига кетмаган.

— Мен 2013 йилда "Шухрат" дон қабул қилиш шохобчасида омбор мудири вази фасида ишлаганман, — деди судда В.Йўлдошев. — Шартномада Р.Аббуровга тегишли юкловчи трактор ва унинг ҳайдовчилари ўн олти соат ишлаш кўрсатилган. Тафтиш хулосасига Р.Аббуров иш ҳақи учун табел тузишда трактор ҳайдовчиларини ҳақиқатда ишлаган соатларидан уларнинг овқатланиши, дам олиши ва бошқа эҳтиёжлари учун танафус қилиб, тўхтаб турган вақтларини ажратмасдан қўшиб ёзган, деб нотўғри маълумот киритилган.

Тадбиркор Р.Аббуров 2014 йилнинг галла мавсумида "Гуллистон" дон қабул қилиш шохобчасида ишлаган экан. Мавсумда бирга ишлаган гувоҳлар ҳам судда сўралди. Жумладан, С.Чўлиевнинг гувоҳлик беришича, у Р.Аббуровнинг такторини ҳайдаган, юклагининг бўйи вагонга етмагани сабабли, донни эскалатор лентасига тўққан. Эскалатор эса, бугдойни машина ва вагонларга юклаган. У Р.Аббуровнинг иши бўйича тергов даврида сўроқ қилинган, аммо судга қақирилмаган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси мутахассиси, ўшанда "Шухрат" дон қабул қилиш шохобчасидаги технология жараёнларни текширган Х.Шерматовнинг суддаги баёноти ҳақиқий ҳолатга анча ойдинлик киритди.

Унинг гувоҳлик беришича, шохобчада 2012 йилда фермер хўжалиқларидан 22 тонна дон қабул қилинган. Ана шу доннинг миқдори, намлиги, чиқиб кетган бугдойнинг миқдори рўйхатга олиниши сингари технологик жараёнларга ҳисобхонадаги 36-сонли китобнинг ҳеч бир алоқаси йўқ. Бу билан Р.Аббуровни айблов ўринсиз. Тафтишчи М.Бердиқулов ўз хулосасига шохобчадаги технологик жараёнлар бўйича маълумотларни нотўғри киритган.

Шунингдек, Р.Аббуровга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги Фармонида зид равишда транспорт хизматлари учун 68 миллион 106 минг 600 сўмлик омихта ем маҳсулотларини ноқонуний равишда бартер операцияларини амалга ошириш йўли билан олиб, уларни номалум шахсларга нақд пулга сотгани тўғрисида айблов ҳам қўйилган.

Судда ушбу айблов ҳам асоссиз экани ўз исботини топди. Тўғри, Р.Аббуров уч ҳолатда — 2011 йилнинг биринчи ва иккинчи чораги, 2014 йилнинг тўртинчи чораги ва 2015 йилнинг январь ойида жамиятдан яқна тартибдаги тадбиркор "Abgogov R.A." ҳисобига жами 74 миллион 989 минг 853 сўмлик омихта ем маҳсулотлари олган.

У қарзидан ортиқча олинган ем маҳсулоти учун жамият газнасига 6 миллион 883 минг 500 сўм нақд пул тўлаган. Қолган 68 миллион 106 минг 353 сўмлик маҳсулотнинг 27 миллион 167 минг 650 сўми 2011 йилнинг биринчи чорагида Сирдарё вилояти Хўжалик судининг суд буйруғи билан, 37 миллион 100 минг 548

Қонуни кўмаги

Ноқонуний қарор

суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ёки орадан икки ой ўтгандан кейинги ҳолатга эътибор қаратсак, 2018 йил 5 мартда 4130 тонна, "ССПЦ М-400 Д-20" белгили цемент маҳсулоти 567,4 сўмдан сотилгани ҳолда эртаси кунини — 6 мартда биржа савдосига қўйилган 4130 тонна цементнинг баҳоси 1,7 сўмга ошиб, 569,1 сўмдан иборат бўлган. Ёхуд 2018 йил 14 мартда бўлиб ўтган савдода харидорлар 4145 тонна цементни 546,5 сўмдан сотиб олган. 2018 йил 16 март кунини эса, биржа савдосига қўйилган маҳсулот ҳажми ўзгармаса-да (4145 тонна), нархи 550 сўми ташкил этган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодиётнинг ўзгармас қоидаларидан бири бу — нархнинг талаб ва тақлиф асосида белгиланишидир. Юқоридан таъкидланган "Кувасойцемент" акциядорлик жамияти маҳсулотининг биржа савдоларида нархи кўтарилгани ҳам ана шу олтин қоидадан келиб чиққан ҳолда юз берган. Лекин Монополияга қарши курашиш қўмитаси Фаргона вилоят ҳудудий бошқармаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сонли қарори билан тасдиқланган "Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 36-бандида қайд этилган (декларация қилинган (тасдиқланган), келишилган ва белгиланган тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни ошириш талаблари бузилгани ҳамда "Кувасойцемент" акциядорлик жамиятининг Монополияга қарши курашиш давлат қўмитаси ва "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти томонидан тасдиқланган цемент маҳсулотини биржа савдоларида қўйиш жадвалига амал қилмаганини асос қилиб, юқоридан қайд этилган 4 та ҳолатда жамият томонидан нархлар сунъий равишда оширилганлиги важи билан жами 137.007.500 сўм миқдорда акциядорлик жамиятининг яқна тартибдаги тадбиркор "Abgogov R.A." олдидаги муддати ўтган кредит қарзлари ҳисобидан ундириб олинган.

Қисқаси, судда тадбиркор Р.Аббуровнинг ҳуқуқлари кўпол тарзда бузилгани ўз исботини топди. Апелляция судлов ҳайъати Жиноят процессуал кодексининг қатор моддалари талаблари ва Олий суд Пленуми қарорлари раҳбарий тушунтиришлари асосланиб, суднинг Расул Аббуровни нисбатан чиқарган айблов ҳукмининг бекор қилди. Тадбиркор Р.Аббуров Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 3-банди асосида, жиноят содир этишга дахлдор бўлмагани сабаб оқланди.

Суд ажрими билан Р.Аббуров томонидан дастлабки тергов ва суд жараёнида "Оқолтиндонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти газнасига топширилган 59 миллион 683 минг 800 сўм қайтариладиган бўлди. Мулкий, маънавий ва бошқа зиённи қоплаш масаласида Р.Аббуровга фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилди. Ҳа, адолатнинг манзили жуда олис, унга етиб олиш машаққатли кенди. Ҳақиқат юзага чиқиб, адолат қарор топганига қадар Р.Аббуров уч йил азият чеқди, изтироблар гирдобидан кун кечирди, ниҳояси эса, хайрли тугади.

Судда тадбиркор Р.Аббуровнинг ҳуқуқлари кўпол тарзда бузилгани ўз исботини топди.

Апелляция судлов ҳайъати Жиноят процессуал кодексининг қатор моддалари талаблари ва Олий суд Пленуми қарорлари раҳбарий тушунтиришлари асосланиб, суднинг Расул Аббуровни нисбатан чиқарган айблов ҳукмининг бекор қилди. Тадбиркор Р.Аббуров Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 3-банди асосида, жиноят содир этишга дахлдор бўлмагани сабаб оқланди.

Суд ажрими билан Р.Аббуров томонидан дастлабки тергов ва суд жараёнида "Оқолтиндонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти газнасига топширилган 59 миллион 683 минг 800 сўм қайтариладиган бўлди. Мулкий, маънавий ва бошқа зиённи қоплаш масаласида Р.Аббуровга фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилди.

Ҳа, адолатнинг манзили жуда олис, унга етиб олиш машаққатли кенди. Ҳақиқат юзага чиқиб, адолат қарор топганига қадар Р.Аббуров уч йил азият чеқди, изтироблар гирдобидан кун кечирди, ниҳояси эса, хайрли тугади.

Нуриддин ТҲУЛИЕВ, жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг судьяси.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Куч — адолатда" муҳбири

Жиноятга жазо муқаррар

Бутуннинг кемтиги

ёхуд эркатойликдан падарқушиликка сабаб бўлган қотиллик ҳақида

Ҳазораспик Эркабой Одамбоев табиатан безорор ва хушхалқ киши эди. У Ҳабибулла ота Одамбоевнинг пире бадавлат қондоғида вояга етди. Оила — болажон. Эркабой эса, кенжа ўғил. Кенжа ўғил ҳамма жойда бўлгани каби Хоразмда ҳам алоҳида меҳр ва ардоқ остида камолга етади. 1981 йил ушбу қишлоқда туғилган кенжа фарзанд Эркабой ҳам ана шу алфозда ўсиб-ўлгайди. Оила қурди, фарзандли бўлди. Бу орада оиланин қиз фарзандлари турмуш қурган кўйи ота ўйини тарк эттишди, ўғиллар ҳам ўзлари учун иморат қуриб, алоҳида яшай бошлашди. Хонадон бошпанаси ва 90 ёшли Ҳабибулла ота таомилга кўра, кенжа фарзанд қарамоғига ўтди.

(Давоми 4-бетда) ▶

Фуқаролик қонунчилиги

Қарз арзга айланмасин

бунинг учун унинг ҳуқуқий оқибатини олдиндан ўйлаш лозим

◀ (Бошланиш 1-бетда)

Фуқаролик кодексининг 732-733-моддаларида қайд этилган нормалар талабига кўра, фуқаролар ўртасидаги қарз шартномаси, агар қарз миқдори энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт. Шундагина даъво учун далил юзага келади.

Қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик ҳолатлари ҳам ҳаётда учраб туради. Бундай ҳолатлар Фуқаролик кодексининг 109-моддасига мувофиқ, низо келиб чиққан тақдирда, тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Қарз олиш ва бериш қадимдан мавжуд. Шу боис ҳеч бир замонда бу масала эътибордан четда қолмаган. Ҳамиша аниқ тартиблар жорий этилган.

Муслулмон ҳуқуқида ҳам қарз, яъни олди-берди масаласида аниқ кўрсатмалар мавжуд. Куръони Каримнинг "Бақара" сура-сида шундай марҳамат қилинади (мазмуни): "Эй мўминлар! Бир-бирингиз билан қарз беришиб муомала қилган вақтларингизда (у қарзларингизни адо қилиш муайян бир вақтгача маълум бўлса) у қарзларингизни ҳужжат

тариқасида ёзинглар".

Шунинг учун ҳам қарз олди-бердисини ҳужжатлаштиришда истихрола ёки андишага бориш керак эмас.

Қарз берувчи иккинчи тоифа эса, шу орқали фойда кўрувчилар бўлиб, улар маълум фоида эвазига, албатта, гаров ҳисобига қарз беради. Бировга пулни шунчаки бериб қўймайдиган бу тоифа вақиллари доим ишини пухта қилади.

Яъни аксарият ҳолатларда қарз учун гаров шартномаси тузиш ўрнига қарз олаётган шахсга тегишли муайян мулкларни, масалан, машина, уй-жай ва ҳоказоларни нотариал тартибда олди-сотди шартномаси орқали ўз номига расмийлаштиригачина пул беради. Пулга муҳтож одам эса, кўпинча, шу каби талабларга иложисизликдан рози бўлади.

Низо келиб чиққанда эса, фойза қарз берувчи одам "уйни ёки машинани қонуний нотариал тартибда расмийлаштириб сотиб олганлигини" айтиб, қарз берганлигидан тониб тураверади. Кўпинча ҳақиқий ҳолатни исботлашнинг имкони бўлмайди ва оқибатда бундайларнинг қўли баланд келади.

Нега? Чунки ўша олди-сотди шартномаси нотариал тартибда, томонларнинг хоҳиш-иродаси асосида расмийлаштирилган. Мулк эгаси нотариус ҳузу-

рида ихтиёрий олди-сотди шартномасини имзолаган. Уртада қарз олди-берди бўлганлигини тасдиқловчи бирон-бир ёзма далил мавжуд эмас.

Шунинг учун қарз эвазига ниманидир гаровга қўйиши ёки гаров ўрнига олди-сотди шартномаси тузишда ҳушёр бўлиш лозим. Энг муҳими, ўртадаги муносабатни тўғри, яъни қонуний расмийлаштириш керак.

Шу ўринда бир мисолга тўхталамиз: даъвогар фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгардан қарзни ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишида тўпланган ҳужжатларга кўра, даъвогар судга жавобгарнинг тилхати нусхасини тақдим этган. Жавобгар номидан ёзилган тилхатда даъвогардан ўз эҳтиёжлари учун 14.300.000 сўм қарз олганлиги, қарзни 2018 йил 1 октябрда қайтариб бериши баён қилинган.

Суд жавобгарнинг қарз олиб, қайтариш мажбуриятини бузганлиги асосида даъво талабини қаноатлангирган.

Даъвогар судга жавобгарнинг қарздорлиги ҳақидаги тилхатнинг аслини тақдим этмаган. Суд муҳокамасида даъвогар тилхатнинг асл нусхасини даъво аризаси тайёрлаш учун адвокатга берганини,

бирок адвокат вафот этди шунинг туфайли асли йўқолганлигини билдирган.

Бошқа ҳолатларда суд ишининг ҳақиқий ҳолатлари ва тарафлар ўртасидаги ўзаро муносабатни ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш чораларини кўрмасдан хатоликка йўл қўйиши ҳам мумкин эди. Фуқаролик кодексининг 735-моддасига кўра, қарз олувчи олинган қарз суммасини шартномада на-зарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт. Биновбарин, жавобгар номидан ёзилган тилхат ишончли ёзма далил бўлмайди.

Фуқаролик кодексининг 109-моддасига асосан, битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди. Бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Тарафлар битимнинг тузилганлиги, мазмуни ёки бажарилганлигини ёзма ёки бошқа далиллар билан тасдиқлашга ҳақлидирлар.

Олий суд Пленумининг "Фуқаролик кодексини таътиб қилишда суд амалиётида вуқудга келадиган айрим масалалари тўғрисида"ги қаро-

ри 21-бандига кўра, Фуқаролик кодексининг 733-моддаси 1-қисмига биноан, қарз берувчи юридик шахс бўлганида ёки фуқаролар ўртасида тузилган қарз шартномасининг суммаси энг кам иш ҳақининг, яъни базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлган ҳолларда қарз шартномаси оддий ёзма шаклда тузилиши талаб қилинади.

Судлар шартномасининг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмаслигини назарда тутишлари лозим.

Фуқаролик кодексининг 109-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ, тарафлар бундай ҳолда гувоҳларнинг кўрсатмасига асосланган ҳақли эмас. Лекин бу уларни ёзма ва бошқа далиллар келтириш имкониятидан маҳрум этмайди.

Агар пул ёки ашё олганлик фақти инкор этилмас, у ҳолда уни ёзма далиллар билан тасдиқлаш талаб қилинмайди. Ҳар бир қарз ўз талабларини асослаш учун келтирилган ҳолатларни исботлашга мажбур.

Юқорида келтирилган мисолда жавобгар даъвогардан 14.300.000 сўм қарзини суд мажлисида тан олган ва даъвогар пуллари ўртага тушиб олиб берганини баён қилган. Жавобгар қарздорлигини тан олганлиги битим

тузилганлиги ва мазмунини ҳамда қарз мажбурияти мавжудлигини тасдиқлайдиган далил ҳисобланади.

Бундан ташқари Фуқаролик процессуал кодексининг 253-моддасига кўра, арз қилинган талаб жавобгар томонидан тан олинган тақдирда, асослангирувчи қисмда фақат арз қилинган талабнинг тан олинганлиги ва унинг суд томонидан қабул қилинганлиги кўрсатилиши мумкин.

Қонунчиликда қарз олди-бердиси тузиш ва расмийлаштириш шарт қилиб қўйилган экан, нима сабабдан қарз муносабатига киришаётган шахслар ушбу тартибга риоя этмайди, деган савол туғилади.

Фикримизча, бунинг биринчи сабаби — ўртадаги ишонч, истихрола. Иккинчидан, тарафлар нотариал идорага бориб, қарз шартномасини расмийлаштиришга ҳафсала қилмайди ёки имкони бўлмайди.

Нега деганда, бу жараён муайян вақтни талаб этади. Муаммонинг энг каттаси эса, ҳуқуқий саводхонликка бориб тақалади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қарз муносабатлари қонуний расмийлаштирилмас экан, низо ва муаммолар пайдо бўлаверади ҳамда иш судга келиб тақалаверади. Шунинг учун фуқароларни қонуний талабларига қатъий амал қилишга чақириб олиб берганини баён қилган.

Жавобгар қарздорлигини тан олганлиги битим

Давлат хазинасидан 100 минг долларни ўғирлаган банкирлар

◀ (Бошланиш 3-бетда)

Банкнинг моддий жавобгар шахслари пул омборини ёпишдан аввал нақд пуллар ва бошқа қимматликларнинг бут сакланаётганлигини, уларнинг ҳисоби тўғри юритилаётганлигини ҳамда балансидаги маълумотларни, кассаси китобларидаги ёзувларни ва ҳақиқатда мавжуд бўлган нақд пуллар, қимматликлар қолдиқларига мос келишини текшириб кўришлари шарт деб белгиланган. Аммо АТ "Халқ банк" Ёзёвон филиали банк бошқарувчиси вази-фасини бажарувчи С.Турсунбаев ва бош ҳисобчиси Б.Тиллаевлар касса муди-раси Г.Утановага йўриқно-манинг талабларини бузи-б, китобларга моддий жавобгар шахслар С.Турсунбаев ва Б.Тиллаевларни номларидан имзоларни ўхшатиш йўли билан бажариб келишига рухсат берган. Касса мудири Г.Утанова турли шаклдаги китобларни мансабдор шахслар номидан тўлдир-иб, уларнинг имзоларини ўхшатиш йўли билан иш-ни бажариб келган.

2019 йил 25 январь ку-нидан 2019 йил 5 февраль кунига қадар АТ "Халқ банк" Ёзёвон филиали банк бошқарувчиси вази-фасини бажарувчи С.Турсунбаев, бош ҳисобчиси Б.Тиллаевлар моддий жа-вобгарлиги остида бўлган АТ "Халқ банк" Ёзёвон

филиал балансининг ҳисоб рақамиде жами 218 минг 300 АҚШ долларидан 840 миллион 153 минг сўмга тенг бўлган 100 минг АҚШ долларини растрата қи-лиш йўли билан касса му-дираси Г.Утанова ўзлаш-тириш йўли билан талон-торож қилади. Келгусида тергов ва суд идоралари-ни улар томонидан содир-етилган жиноятни фош этилишига йўл қўймасдан чалғитиш мақсадига 2019 йил 5 февраль куни соат 20:00 да АТ "Халқ банки" Ёзёвон филиалида 100 минг АҚШ доллари камо-да келиб чиққанлиги ҳақида Ёзёвон тумани ИИБ-га хабар берганлар. Албат-та, бу ҳийла иш бермади ҳамда уларнинг қилмишлар-и фош этилди.

Жиноят ишлари бўйича Ёзёвон суди томонидан мазкур жиноят иши кўриб чиқилиб, С. Турсунбаевга 5 йил икки ой, Б.Тиллаев ва Г. Утановага 5 йил муд-датга озодликдан маҳрум этиш ва ҳар бирларига икки йил моддий жавоб-гарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. АТ "Халқ банки" Ёзёвон фили-алига етказилган 100 минг АҚШ долларини сўмдаги қиймати 862 миллион 451 минг сўмини судланувчи-лардан солидар тартибда ундирилиши белгиланди.

Маъсулдон СУЛАЙМОНОВ, УзА

◀ (Бошланиш 3-бетда)

Алқисса, Эркабой бутун оила обрўси, нуфузини сарба-ланд этгандир, дерсиз?! Йўқ. Афсуски, пировардида бундай бўлмади. Эркабойлар хонадо-нини одамлар кутганидек, бах-тли, саодатли кунлар эмас, ак-синча, кунфат ва гурбатдан иборат зулматли дамлар йўқ-лаб келди.

Эркабой чиндан ҳам, "эр-ка" лигини қилди. Балки у чор-атрофдагиларга чиндан ҳам, мўмин-қобил, хушмуома-ла киши суваратида кўринган-дир, аммо Одамбоевларнинг катта хонадони учун яхши ва хушхулқ фарзанд бўлолмади. Ташқи қиёфаси ички дунёси-да акс этмади. Оила шаъни-ни оёқости қилди. Энг ачи-нарлиси, падаркуш деган та-вқи-ланъат ёрлигини бўйнига илди.

...Ҳаёт катта сабоқ мактаби, кимнинг аслида ким эканини бир пасда кўрсатади, оқни — оққа, қорани — қорага, сара-гини — саракка, пучагини-пу-чакка ҳам бир зумда ажрата-ди. Ўтган йилнинг 20 октябрь кунини оқшом Одамбоевлар хо-надониде рўй берган муҳиш воқеадан ҳўнг одамлар ҳаёт-нинг бу ҳақиқатига яна бир марта гувоҳ бўлишди.

Кейинги йилларда Эрка-бойнинг афт-ангори, ўзгалар-га нисбатан муомалаю муноса-батиде деярли ҳеч нарса ўз-гармади. Аввалига фойдалаи меҳнат, рўзгор ташвишидан ўзини буткул четга олди, Ўзига ўхшаган дангасе ва тепсе — тебранмас кимсаларга қўшил-ди. Орадан хиёл вақт ўтмай эса, ичкиликка бутунлай му-касидан кетди. Уни бу йўлдан қайтаришга қаратилган панд-насихатларнинг биронтаси ҳам фойда бермади. Койиш ва тергалардан ҳам наф чиқма-ди. Ичган чоғда ботириги кўзир, сўқир кўзи ароқдан бўлак бирон матоҳ, хатто оилар-си, фарзанд-дилбандлари, кекса отасини ҳам илғай ол-

масди. Шу аснода у вилоят наркологиа диспансерининг махсус рўйхатидан жой олди. Оила эса, ҳалоқат ёқасига кели-б қолди. Эрининг хурмача қилиқлари, ҳақорат ва дўппос-лашларига чидай олмаган тур-муш ўртоғи Жумагул Машари-пова кўп ҳолларда болалари билан бирга ота-она уйидан бошпана топди.

Одамбоевлар хонадониде-ги бу машъум воқеа Ж.Маша-рипова роппа-роса ярим йил-лик араздан сўнг оиласи ба-ғрига қайтган, содир бўлди.

Ўша кун Эркабой чошго-гача тошдек қотиб ухлади. Сўнг ўрнидан туриб, нари-бери нонушта қилгач, туман маркази томон йўл олди. Бун-дай тахлитдаги "сафар" лар-нинг боиси ичкиликбозлик эканини уйдагилар яхши би-ларди. Уларнинг ўйи тўғри бўлиб чиқди. Кун уфққа бош қўяр чоғи гандираклаганча уй-га қайтган Эркабой ичаш ҳали маромига етмаганидан ноли-ганча турмуш ўртоғини қис-товга олди: ароқ учун пул бе-ришни сўради. Хотини уйда пул йўқлиги, рўзгор қозони деярли бўш қолганини эрига ётиғи билан тушунтиришга уринди. Қани энди, ичкилик таъсирида буткул ақл-хушини йўқотган ёстиқдоши буну ту-шушса? Йўқ, тушунмади. Тушу-нишни ҳам истамади. Бунга жавобан муштини ишга со-лишга ҳозиралиди. Бироқ ол-гурмади. Кекса ота ожиз аҳвол-да эканига қарамай орага туш-ди. Келинини ҳимоя қилишга чоғланди. Афсуски, кучи етма-ди. Аммо буну кўриб, ўғилнинг авзойи ўзгарди. Отага қара-та: "Йўқса, пулни ўзинг бер", дея ўшқирди. Ота ароқ учун пул йўқлигини писанда қилди, сўнгра: "Вақт алламаҳал бўл-ди, балки эртага ичарсан, эр-талаб акангдан ўзим пул олиб бераман", деди. Буну эши-тиб, ўғил баттар кўтуриб кет-ди. У ақл-хушини йўқотиб, ота-сига ташланди ва бўғзидан

олиб, аёвсиз дўпослашга туш-ди. Ёши тўқсондан ошган қа-рияннинг кучи нимагаям етар-ди? Ота ўғлининг биринчи мушти тегиши билан ерга гу-рсиллаб йиқилди. Кутуриб кет-ган ўғил эса, бу билан кифоя-ланмади. Аллақачон хушини йўқотган отани калтаклаш, теп-килашда давом этди. Чолнинг юз, кўз, кулоқ, бурун, оғиз со-ҳалари қаттиқ шикастланди. Кўз ўнгида содир бўлаётган

қорганча кучли мастлик доми-да донг қотиб ухлар, ота эса, ерда афтаҳол ҳолатда чўзи-либ ётар, базўр нафас олар-ди.

... "Тез тиббий ёрдам" ҳаял-ламади. Отани шифхонага олиб кетишди. Хайриятки, ота бир неча кун ўтиб кўзини очди ва ўша куну йида юз берган муҳиш воқеани айтиб берди. Ўша куннинг эртаси туш чоғи хушига келган Эркабой эса,

Жиноятга жазо муқаррар



Бутуннинг кемтиги

ёхуд эркатойликдан падаркушликка сабаб бўлган қотиллик ҳақида

дахшатли зўравонликдан эси оғаёзган келин — Жумагул мушт ва тепкининг галдаги зарбалари ўзи ва фарзанд-лари бошига ёғилишини фаҳ-млади, чоғи, икки боласини эргаштирганча қўшини ҳовли-да яшаётган Одамбоевлар-нинг тўнғичи Муроднинг уйи томон йўл олди. Тун яримла-пул йўқлигини писанда қилди, сўнгра: "Вақт алламаҳал бўл-ди, балки эртага ичарсан, эр-талаб акангдан ўзим пул олиб бераман", деди. Буну эши-тиб, ўғил баттар кўтуриб кет-ди. У ақл-хушини йўқотиб, ота-сига ташланди ва бўғзидан

кеча ярим тунда рўй берган маълум воқеа тафсилотини баён этишдан ожиз қолди.

У мастликда нолиди ва участка нозирига сиз қоқиб, наркологиа диспансерига жой-лаштириб қўйишни сўради. Туман шифохонасига бориб, отасидан ҳол-аҳвол ва кечирим сўрасини эса, ҳаёлига ҳам кел-тирмади. Отанинг умрига де-ярли зомин бўлаёзган ўғил шу кунлик шифхонага жўналиш кет-ди. Ота эса, укдирилганидек, туман касалхонасида беҳушли-гича қолди.

...Орадан 6 кун ўтган, ота-нинг соғлиги анча-мунча тик-

ланди ва тўнғич ўғил Мурод-бек шифокорлардан уни олиб кетиш ва даволаш ишларини ўйда давом эттиришга рухсат сўради. Отанинг жароҳатлар-ни хали битмаган эди. Шун-дай бўлса-да, шифокорлар фарзандлар ўтинчига кўра, уйда даволанишига розилик билдиришди. Таассуфки, оғир жароҳатлар хали битма-гани ва кексаллиги отахонга панд берди. Шифокорлар-нинг муолажаси фойда бер-мади. Касалхонадан чиққач, орадан беш кун ўтиб, ҳаётдан кўз юмди. Отасининг жаноза-сида иштирок этиш, қабрига бир сиқим тупроқ ташлаш фарзи Эркабойга насиб эт-мади...

Отаси вафотидан сўнг икки ҳафта ўтиб, уйига қайтган ўғилни ҳуқуқни муҳофаза қи-луви идора ходимлари йўқ-лашди, устидан жиноят иши очиб, қилмишини Жиноят ко-дексининг соғлиққа қарши оғир кирдорлар сирасига кирувчи 104-моддаси 3-қис-ми "д"банди (жабрланувчи-нинг ўлимига сабаб бўлган ҳолат) бўйича малакалашди. Гумонланувчи тергов тарафи-дан қўйилган саволларга жа-воб бераркан, кўнглида отаси-ни ўлдириш нияти бўлмаган-ни, уни мастлик таъсирида жаҳл билан сийлаб ташлагани, у йиқилиб, лат егани, бу эса, ўлимга етакламаслигини баён қилди. Қилмишини қисманги-на тан олди.

Машъум ўлимнинг ҳақиқий сабаби эса, бу борада тайин-ланган суд-тиббий эксперт-ласи жараёнида аниқланди. Ноқобил ўғилнинг давоси мут-лақо асоссиз бўлиб чиқди. Марҳум Х.Одамбоев зўравон-лик қурбони бўлгани, ҳаёт ва соғлик учун хавфли бўлган тан жароҳатлари пировардида уни муқаррар равишда ўлим-га етаклагани маълум бўлди. Тиббий хулосаларни суд ва терговга тақдим этиб, гувоҳ мақомида кўрсатма берган

эксперт ва шифокор-мутахас-сислар Улуғбек Кўзиев, Одам-бой Оллашқуровлар ота ўли-мига айнан шу ҳолатлар сабаб бўлганини таъкидладилар.

Баргикенглик ва кечирим-лилик халқимизнинг бебаҳо фазилати. Бу қадриятлар амалдаги қонунчилигимизда ҳам ўзининг теран ифодаси-ни топган. Э.Одамбоевга суд томонидан жазо тайинлаш чоғи масаланинг бу жиҳати яна юзага қалқиб чиқди. Ота-сининг ўлимида қўли борли-ги тўла исботланган ўғил-нинг тавба-тазарруси, қил-мишидан астойдил пу-шаймонлиги, хонадоннинг ҳаминқадар моддий аҳволи, унда юзага келган ночор маъ-навий-ахлоқий муҳит оила аъзоларини ҳам, қонунчили-гимиз посбонларини ҳам бир мунча хушёр тортирди. Мазкур хонадондаги муҳит-ни барқорорлаштириш, мо-дий таъминотини яхшилаш, маънавий муҳитини соғ-ломлаштириш омиллари на-зарда тутилди. Қолаверса, судланувчининг қилмишига пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, оиланинг де-ярли барча аъзолари томо-нидан кечирилгани ҳукм чи-қаришда муҳим аҳамият касб-этди. Судда кўрсатма берган марҳумнинг қонуний вакили, ўғли Мурод Одамбоев ва бошқа фарзандлар, келинлар судланувчига нисбатан даъ-воси йўқлигини айтиб, унга берилажак жазони енгилла-тишни сўрадилар. Албатта, бу суд томонидан эътиборга олинди. Суд унга нисбатан Жиноят кодексининг қилмиш учун назарда тутилганидан ҳам камроқ жазо тайин-лашни тақозо этувчи 57-мо-дасини қўллашни лозим топ-ди. Элдощлари орасида па-даркуш номини олган но-муносив ўғил кодекснинг юқо-рида зикр этилган 104-мо-даси 3-қисми асосида 3 йил муддатга озодликдан маҳрум

қилинди.

Қилмиш, шубҳасиз, кидир-миш ва муқаррар жазога етак-лади. Буну аслида тан жа-зоси, десак, тўғри бўлади. Аммо кишига руҳан ва маънан азоб берадиган оғирроқ жазо ҳам бор. Бу — виждон азоби. Бу ўзини билган, анлаган киши учун бир умрлик жазо. Ундан қутулишининг бир йўли бор: у жазони ўташ чоғида чинаками-чоғи тарбияланган, умрнинг зи-настида ўтган оиларига қайта-қайта разм солиш, ундан тўғри ва оқилона хулоса чи-қариш, эзгулик йўлларини из-лаш, уни топиш, озодликка чиққач эса, талаб-ў тақозо-ларини тўла-тўқис бажо келти-риш, ота қабрига доимо бош қўйиб, у зотининг хотирини қамаша ёд этиш, оиласи, ра-фиқаси ва фарзандларнинг муносив раҳнамоси, соҳиб-у, соябони бўлишдек инсоний-лик амалларини бекаму-кўст адо этишдан иборат. Алқисса, буларнинг бари вақт ва фу-р-сатга бориб тақалади ва ис-так, орзу-ниятларнинг ҳаётда-ги ифодаси ижобати ҳам ўшанда намоён бўлади. Жи-ноят қилиб, гуноҳга ботса-да, охир-оқибат тузалиш ва пок-ланиш йўлига кирган, чинакам ҳаётдан, оиласи ва яқинлари-дан умид узмаган, яхшилик ва эзгуликка астойдил қўй берган кишига Яратганнинг ўзи ма-дадкор бўлади. Қанийди, буну ҳамма бирдек англаб, бари бирдек аҳил, кенос, баҳамжи-ҳат турмуш кечирса, азиз ум-рини эзгу сўз, эзгу амал, эзгу фикрат йўллари бахшида этса?! Назаримизда, жаннат эшиклар шундай фазилатли инсонларга очилади, ҳа, тирик-лигидаёқ очилади! Бошқалар-га эса ... йўқ, очилмайди!

Акар АМИНОВ,

жиноят ишлари бўйича

Ҳазорасп тумани

судининг раиси,

Абдулла СОБИРОВ,

"Куч — адолатда" мухбири

Куч — адолатда

МУАССИСА:

Ўзбекистон Республикаси

Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигиде 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Икром МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтияр ИСАКОВ
Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ҲАЙИТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор

ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:

Шерзод

ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчас